

## Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 7751,1 млрд.сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 108,9 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-март ойларида ЯХМ дефлятор индекси 109,4 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида Тошкент шаҳри ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби куйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>6502,8</b>	<b>7751,1</b>	<b>108,9</b>
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	5447,4	6524,1	109,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	1055,4	1227,0	108,9
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>5447,4</b>	<b>6524,1</b>	<b>109,0</b>
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2069,9	2506,2	108,8
саноат	1621,5	1965,1	108,5
қурилиш	448,4	541,1	109,8
Хизматлар	3377,5	4017,8	109,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1016,3	1204,8	109,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1005,0	1188,7	111,5
бошқа хизматлари	1356,2	1624,3	107,0

Январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Жорий йилнинг январь-март ойларида Тошкент шаҳрининг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (18,5 %), саноат (30,1 %), қурилиш (8,3 %) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 60,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-мартда 60,6 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-мартда ялпи худудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 61,6 фоиз (2016 йил январь-мартда 62,0 фоиз)ни ташкил қилди.